

Йўл ҳаракати қоидалари

Режа:

1. Автотранспорт воситасининг яратилиши.
2. Йўл ҳаракати қоидаларига заруратнинг пайдо бўлиши
3. Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларининг ўрганилиши
4. Болалар иштирокидаги йўл транспорт ҳодисаларининг (ЙТҲ) олдини олишдаги муаммолар
5. ЙҲҚ бузганлик учун маъмурий қонунчиликдаги ўзгаришлар

Маърузачи: кимё фанлари номзоди, доцент Қулимов А.К.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Содиков Ф.С, Хошимов Д. И., Махмудов Г.Н. «Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш». Т.Чўлпон. 2003 й.
2. Хошимов Д. И., Махмудов Г.Н., Содиков Г.С. «Йўл ҳаракати қоидалари» (1-4 синф учун қўлланма) Т. Чўлпон 2003 й
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси «Автоҳамроҳ» журнали.
4. «Йўл ҳаракати қоидаларидан сабоқлар» 7-8 синфлар учун ўқув қўлланма. Тошкент картография фабрикаси 2002 й

Тарихий маълумотлар

- * Автотранспорт воситаси 1769 йилда Францияда ихтиро қилинди.
- * Яратилишидан мақсад – ҳарбий техника, замбараклар, ўқларини узоқ масофаларга транспортировка қилиш бўлган. 3 та ғилдиракли, ўртача тезлиги 24 км/соат дан ошмаган.
- * 1885 йилда Германияда мухандислар - Даймлер ва Бенц томонидан мукаммалашган: 4 та ғилдиракли, бензинда юрадиган автомобиль, тезлиги 24 км/соат
- * 1890 йилда қуйма металл ғилдираклар шинали ғилдиракларга алмаштирилди. Тезлик 70 км/соат гача ошди.

Биринчи автомобиль



4-расм. Биринчи автомобиль

Йўл ҳаракати қоидаларига заруратнинг пайдо бўлиши

- * Францияда 1893 йилда 1-бўлиб, йўл ҳаракати қоидалари жорий қилинди.
- * 1957 йилда Ўзбекистон ҳудудида йўл ҳаракати қоидалари жорий этилди. Шу пайтлари 40-50 та йўл белгилари мавжуд эди. Кейинчалик 1980 йилларда йўл чизиқлари кенг қўлланила бошланди.
- * 1954 йилда Тошкентда 1-светофор ўрнатилди.
- * 1962 йилда Урганч шаҳрида светофор қўлланила бошланди.

Светофор яратилиши тарихи

- * Илк светофор **1868 йил 10 декабрда** Лондон яқинидаги Британия парламенти биноси ёнида ўрнатилди. Уни ихтиро қилган **Жон Пик Найт** темир йўл семафори(йўл кўрсаткич) бўйича мутахассис бўлган. Унда газ билан ишлайдиган рангли фонуслардан фойдаланилган.
- * **Автоматик тарзда** ишловчи 1-светофорни **1910 йилда** Чикаголик Эрнст Сиррин кашф этди.
- * **1920 йилдан** бошлаб 3 рангли светофорлар Дейтрот ва Нью-Йорк шаҳарларида жило сочган. (**У.Поттс** ва **Ж.Харрис**)

Ўзбекистонда автосаноат ривожи

- * 1996 йилда Андижон вилояти Асака шаҳрида “ЎздЭУ авто” концернида **Тико, Дамас, Нексия** русумли автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди.
- * 2014 йилдан “GM Uzbekistan” автосаноат концерни Хоразм вилоятида Питнак шаҳрида “**Дамас**” русумли, кейинчалик “**Матиз**” ва “**Спарк**” русумли авто ишлаб чиқаришни режалаштирилган эди. Ҳозирги пайтда “**ДАМАС**” ва “**ORLANDO**” русумли авто ишлаб чиқарила бошланди.
- * Бундан ташқари “**ISUZU**” маркали автобус, юк ва махсус авто лар, “**MAN**” русумли катта юк ва махсус техникавий авто лари ишлаб чиқарилади.

Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларининг ўрганилиши

- * Болалар ўртасида ЙТХда шикастланишларнинг олдини олиш ва камайтириш умумдавлат муаммосига айланмоқда 2010 йил январ ойида Бирлашган Миллатлар ташкилоти(БМТ) томонидан 2010 йилдан 2020 йилгача ҳаракат ҳавфсизлиги 10 йиллиги эълон қилинди. Шу муносабат билан ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2010йил 10 март даги 05/43-3 сонли “Болалар билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича 2010-2015 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”, шу юзадан Халқ таълими Вазирлигининг 2010 йил 12 март 03-573 сонли хати, ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2010 йил 11 март 5-761 сонли хати асосида вилоят ИИБ ЙХҚБ, вилоят халқ таълими бошкармаси, ”Камолот“ ЁИХ вилоят кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи ”Ватанпарвар“ ташкилоти вилоят кенгаши ва ”Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлимининг ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастури эълон қилинди ва жойларга ижро учун юборилди.

Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларининг ўрганилиши


- * Халқ таълим вазирлиги ва Ички ишлар вазирликларининг 2000 йил 20 декабрдаги 265-сонли буйруғида таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларининг ўрганилиши юзасидан маълумотлар берилган. Бунда:
- * Мактабларнинг **иш режалари**да ЙХҚ ўқитилишининг аҳволини таҳлил қилиб туриш, зарурий вазифалар белгиланиши,
- * Муассасаларда ҳаракат хавфсизлиги бурчаклари,
- * Муассасаларда автомайдончалар бўлиши шартлиги ва уларнинг зарурий жиҳозлар ва анжомлар билан таъминланиши шартлиги кўрсатилган.

Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларининг ўрганилиши

- * Мактабларда йилига **17 соат ҳажмида йўл ҳаракати қоидалари** ўргатилиши белгиланган.
- * Бу **педагогик юклама** синф раҳбарлари ва бошланғич синф ўқитувчилари томонидан ўтказиладиган тарбиявий соатларга ажратилган юклама ичида бўлиши кўрсатилган.(ХТВ 2012 йил 16 майдаги 160-сонли буйруғи)

*

Ўқувчининг ҳаракат йўналиши



МУАЛЛИМ МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ, ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИНГ АСЛ БУНЁДКОРИДИР.

Ислом Каримов

- * Шундай экан, **Сиз МУАЛЛИМ, УСТОЗ** – ўз устингизда доимо ишлаб, малакангизни ошириб, маънавий бойлигингизни кўпайтириб, ишингизга **МАСЪУЛИЯТ билан ёндошувингиз талаб этилади.**
- * Юқоридаги айтилган гаплар фақатгина Сизнинг **МАСЪУЛИЯТИНГИЗ**ни ошириш учунгина айтилган, хулоса қилиш виждонингизга ҳавола.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ

- * **Йўл ҳаракати** – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.
- * **Йўл ҳаракати қатнашчиси** – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситаси ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс.
- * **Йўловчи** – транспорт воситасидаги (ҳайдовчидан ташқари) шахс.
- * **Пиёда** – йўл транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва иш билан банд бўлмаган шахс.

Йўл белгилари

7 та гуруҳга бўлинади:

- * 1. Огоҳлантирувчи белгилар
- * 2. Имтиёз белгилари
- * 3. Тақиқловчи белгилар
- * 4. Буюрувчи белгилар
- * 5. Сервис белгилари
- * 6. Қўшимча ахборот белгилари
- * 7. Ахборот ишора белгилари

ЙҲҚ бузганлик учун қонунчиликдаги ўзгаришлар (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс)

131-модда.

Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши —

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **бир йилу олти ойдан уч йилгача** муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш **ҳуқуқи бўлмаган шахс** томонидан содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг **ўттиз баравари миқдорида** жарима солишга ёки **ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа** олишга сабаб бўлади.

Алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда **маст шахсга** транспорт воситасини бошқаришни топшириш —

энг кам иш ҳақининг **ўн беш баравари миқдорида** жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **икки йилдан уч йилгача муддатга** маҳрум этишга сабаб бўлади.

ЙҲҚ бузганлик учун қонунчиликдаги ўзгаришлар (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс)

136-модда.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **бир йилу олти ойдан уч йилгача** муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг **ўттиз баравари миқдорида жарима** солишга ёки **ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа** олишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг мопед, велосипед ҳайдовчи, уловли аравани бошқариб борувчи шахс томонидан содир этилиши, —

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

ЙҲҚ бузганлик учун қонунчиликдаги ўзгаришлар (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс)

138-модда.

Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши

Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, шунингдек мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги — энг кам иш ҳақининг **учдан бир қисми миқдорида жарима** солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа теғрасида мол боқиш — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши авария ҳолатини вужудга келтирса, — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Мопед, велосипед ҳайдовчининг, уловли аравани бошқариб борувчи шахснинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши, —

энг кам иш ҳақининг **уч баравари миқдорида** жарима солишга сабаб бўлади.

ЙХҚ бузганлик учун қонунчиликдаги ўзгаришлар (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс)

128³-модда.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юбориши, — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, — энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Давоми (128³-модда)

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, — энг кам иш ҳақининг **ўн баравари миқдорида** жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **бир йил муддатга маҳрум этишга** сабаб бўлади.

Давоми (128³-модда)

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун уч марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, —
транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!



САЛОМАТ БЎЛИНГ!
КЎРИШГУНЧА ХАЙР!